



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҲАҚИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳар) судга илтимоснома киритган пайтда ушбу масалани ҳал этишнинг процессуал суд тартиби жорий этилмоқда.

кратик принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига тўлиқ жавоб беради.

Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари Қонунчилик палатаси кўмиталари таркибига сайланиши мумкин эмаслиги, фракциялар ёки депутатлар гуруҳлари таркибига киришига ҳақиқат эмаслиги ҳақидаги, улар ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияларга аъзолик тўғрисидаги қўйилган ҳужжатларнинг амал қилишини қўйиб қўлади.

зация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг сиёсий партияларнинг фракциялари раҳбарлари Спикер ўринбосарлари этиб сайланишини вақт тўтувчи нормаларини яқин вақт ичра амалга ошириш ва шу замирида ишларнинг самардорлигини ошириш имконини беради.

(Давоми. Боши 1-бетда).

инсонпарварликнинг ёрқин намунаси? Унинг янги мажлисида «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун мурожаати чотида қалбимдан шу

манфаатларини ҳимоя қиладиган асосий ҳужжатлар ҳисобланади. Ишончим комилки, муҳокама қилинаётган қонунлар кучга кирса, мамлакатимизнинг инсонпарварлик тамойилларига ҳамиша эътибор қаратиши билан дунё ҳамжамияти олдидаги образини яна бир қарра ошади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидламоқчи эдим. Сенатнинг янги мажлиси кун тартибига қўйилган ҳар бир масала долзарблиги билан ажралиб туради. Уларда ҳалқимиз ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, манфаатларини ҳимоялаш каби ҳижатлар ҳамма устувор қилиб белгиланади.

АДОЛАТПАРВАРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

фиқрлар ўти.

Ўқув ФАТТОВЕВ, Ташқи сийбас масалалари қўмитаси аъзоси: — Ҳар гал янги мажлисдан кейин жойларда сайловчилар билан бўладиган урчушларда бир ҳижат эътиборимизни тортиди: ҳалқимиз парламенти миз томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларга имкони борича ўз муносабатини билдиришига уради, янги қонунларни ишлаб чиқишда барча ҳижатлар эътиборга олингандан мамун эканини изҳор қилади. Очига, сенатор сифатида бундай эътирофлардан шахсан ўзим фалх ҳиссини туяман.

ёрларига тўлиқ мос келиши билан аҳамиятлидир. Дилбар ШАРПОВА, Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси: — Қонун ижроси билан муҳим, деган иборига ҳамиша алоҳида эътибор берамиз. Чунки парламентимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжат қанчалик ҳаётий бўлмасин, уларнинг жойлардаги ижроси кўнгилдагидек бажарилмас, қўзланган мақсадга эришилмиш кийин. Шу ҳижатдан ҳам биз — сенаторларнинг зиммасига улкан вазифа юклатилган. Яъни, қонунлар кучга кирган, уларга амал қилинишини доимо назорат қилиб бориш фаолиятимизнинг муҳим босқичларидан бири саналади.

лис муҳокамасига қўйилган «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-И-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини олайлик. Бу ҳужжат айрим фаолият турларининг нотўғри амалга оширилишининг олдин олади ва бу билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари, соғлиқлари, жомат ҳафсизлиги таъминланишини кафолатлайди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу билан бирга, йиғилишда «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳаётга янада самарали татбиқ этишда ҳали мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганилиги ҳам таъкидланди.

Муҳокама этилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

ҚҲИ ПАЛАТА ҚЎМИТАЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аҳборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси БМТ Тарқаткич Дастури «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» қўйма лойиҳаси билан ҳамкорликда «Давлат ва жамият бошқарувига замонавий аҳборот технологияларини жорий этиш муаммолари» мавзусида конференция ўтказди.

ни муҳокама этишдан, билдирилган тақлиф-мулоҳазалардан тегишли хулосалар чиқаришдан иборатдир. Конференцияда давлат бошқарувида аҳборот технологияларининг аҳамияти, Ўзбекистонда давлат ва жамият бошқарувини аҳборотлаштиришнинг ҳуқуқий асослари, бошқаруви аҳборотлаштиришнинг муаммолари ва истиқболдаги режалар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи фаолиятига аҳборот технологияларини жорий этиш муаммолари, аҳборот ва коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш масалалари мавзусларида етакчи мутахассисларнинг маърузалари тингиланди.

Э. БОЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Шу кунларда Ўзбекистонда жиноят-процессуал қонунчилиги ва ҳуқуқий қўллаш амалиятини либераллаштиришнинг долзарб вазифаларидан бири — қамқоқ олиш тартибига эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқини судга ўтказиш масаласи ўз қонуний очинини топди. Шунинг таъкидлаш жоизки, давлатимиз мустақилликка эришилган дастлабки кундан, судга бўлган иш юришти босқичида суднинг ролини кучайтиришга, шахсининг қонуний манфаатларини суд ҳимоя қилишига алоҳида аҳамият бериш ва бу гоялар Асосий қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилди.

шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ қамқоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибига жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин.

Учинчидан, қонунга қўра, эҳтиёт чораси сифатида қамқоқ олиш прокурор, прокурор розилиги билан терговчи томонидан асослар бўлгани-

гумон қилинувчи ёки айбланувчи қиради. Қонунга қўра, суд томонидан қамқоқ олиш тартибига эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани кўришда ушбу турлиган шахс, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ишлари мажбурий ҳисобланади. Шу билан бирга Суд мажлисида тортишув принципини таъминлаш мақсадида юқорида қайд этилган жиноят процессининг иштирокчилари муҳим

ажримни устидан апелляция тартибига шикоят қилиш ёки протест келтириш имкониятини мавжуд қилибди. Шикоят ёки протест ажрим чиқарган суд томонидан юқори инстанция судига юборилади ва у 72 соат ичида ажримни кўриб чиқади. Шунинг таъкидлаш жоизки, халқаро тажрибада апелляция тартибига шикоят ёки протестни кўриб чиқиш энг кўп ўрайдиган ҳолат. Апелляция тарти-

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ КАФОЛАТИ

Бунунг кунда инсон ва фуқаронинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари суд ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг мақсади, мазмуни ва шаклини белгилувчи асосий омили сифатида ҳизмат қилади. Ушбу муҳим масала мустақиллик туфайли қўлга киритилган ва амалга ошириб келинаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг моҳиятини англатади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва янада либераллаштириш борасидаги асосий масалалардан бири, Юртбошимиз таъкидлаганидек, прокуратуранинг айрим ваколатларини судларга олиб бериш вазифаси бўлиб, бу аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ва далолизилигини чекловчи масалалар билан боғлиқдир.

Камқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш борасидаги асосий вазифалар Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Камқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонида ўз аксини топган эди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий вазифаси, бу — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан, энг аввало, уни асосий жоний таъбиқ қилишдан, шахсий ҳаётига аралаштиришдан, шахсий далолизилигини ҳимоя қилишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, суд томонидан қамқоқ олиш тартибига эҳтиёт чорасини қўришни афзаллиги шундаки, шахсининг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш тўғрисидаги масала тергов ва прокурор назоратидан ҳолис бўлган орган томонидан ҳал қилинади.

Ушбу масалани ижобий ҳал этиш мақсадида, судга қадар иш юритувда суд назорати мавжуд бўлган ҳолийири ҳимоят мамлакатларнинг тегишли қонунлари ҳамда шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари далолизилигини ва ҳеч қим суд қарорисиз улардан маҳрум этиш ва чеклашга ҳақиқ эмаслигини таъкидловчи умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормалар ўрганиб чиқилди. Унинг натижалари қамқоқ олиш тартибига эҳтиёт чорасини қўллашга судлар томонидан санкция беришининг таъкидлий ҳуқуқий ҳамда процессуал механизминини ишлаб чиқишда татбиқ этилди.

Таъкидлаш жоизки, қамқоқ олишга судлар томонидан санкция бериш ҳамда унинг мuddатини узайтиришни белгилаш судларга судга қадар бўлган жиноят процесси босқичларида йўл қўйилган тергов хатоларини топиш ва аниқлаш борасида қатта масъулият юклайди, бу эса ўз ўрнида ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг эътибори остида бўлган инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси бўлиб, бу аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ва далолизилигини чекловчи масалалар билан боғлиқдир.

Камқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш борасидаги асосий вазифалар Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Камқоқ олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонида ўз аксини топган эди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий вазифаси, бу — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан, энг аввало, уни асосий жоний таъбиқ қилишдан, шахсий ҳаётига аралаштиришдан, шахсий далолизилигини ҳимоя қилишдан иборат. Таъкидлаш жоизки, суд томонидан қамқоқ олиш тартибига эҳтиёт чорасини қўришни афзаллиги шундаки, шахсининг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш тўғрисидаги масала тергов ва прокурор назоратидан ҳолис бўлган орган томонидан ҳал қилинади.

Ушбу масалани ижобий ҳал этиш мақсадида, судга қадар иш юритувда суд назорати мавжуд бўлган ҳолийири ҳимоят мамлакатларнинг тегишли қонунлари ҳамда шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари далолизилигини ва ҳеч қим суд қарорисиз улардан маҳрум этиш ва чеклашга ҳақиқ эмаслигини таъкидловчи умумэтироф этилган халқаро принцип ва нормалар ўрганиб чиқилди. Унинг натижалари қамқоқ олиш тартибига эҳтиёт чорасини қўллашга судлар томонидан санкция беришининг таъкидлий ҳуқуқий ҳамда процессуал механизминини ишлаб чиқишда татбиқ этилди.

Таъкидлаш жоизки, қамқоқ олишга судлар томонидан санкция бериш ҳамда унинг мuddатини узайтиришни белгилаш судларга судга қадар бўлган жиноят процесси босқичларида йўл қўйилган тергов хатоларини топиш ва аниқлаш борасида қатта масъулият юклайди, бу эса ўз ўрнида ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг эътибори остида бўлган инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси бўлиб, бу аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ва далолизилигини чекловчи масалалар билан боғлиқдир.

Ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифаси бўлиб, бу аввало, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ва далолизилигини чекловчи масалалар билан боғлиқдир.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Оилалар қувончи

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларини қўлайитириш рағбатландириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида Навоий вилоятида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шу мақсадда биргина Навоий шаҳрида йил бошидан бери кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжман ва кўп болали оилаларга 80 бошга яқин соғин ситир тортиқ этилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида юртимизда эгу ишлар тобора кенг қўлоқ ёймоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Навоий шаҳар бўлими раиси Рамазон Раҳмонов. — Президентимизнинг мажбури қарори бўйича яқинда «Янги ариқ» маҳалласида яшовчи Ҳақиқа Назарова ҳамда Гулбаҳор Эрматовларнинг оиласига ҳам бир бошдан ситир ҳадя қилинди. «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғинида ишқомат қилувчи кам таъминланган оилалардан бири Баҳодир Бозоров хонадонига ҳам соғин ситир берилди.

«Меҳр нури» таратган нур

«Меҳр нури» хайрия жамғармасининг Намангандаги хайрия тадбири вилоят марказида «Туркистон» танталар мажмуасида ташкил этилди. Бу ерда ёзилган тўкин дастурхон атрафида шаҳар ва туманлардан тақлиф этилган кам таъминланган оилаларнинг аъзолари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар йиғилдилар. Давра уларнинг дилдан сўхубати билан қўзиди. Пировардида бу ерга ташириб буюрган фахрийлардан бир гуруҳига сижатхўга бориш учун жамғарманинг бепул йўлланмалари тақдим этилди.

«Биз — бир жамоамиз!»

Жиззахда «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Меҳр нури» хайрия жамғармаси маҳаллалар оқсоқоллари ва фахрийлар ҳамда талаба ёшлар ўртасида қатор маданий тадбирлар ўтказди.

Хусусан, Жиззах Давлат педагогика ва Политехника институтларида, шунингдек, Транспорт-алоқа коллежида тадбир ташкилотчиларининг талабалар билан урчушлари бўлди. Урчушларда иштирокчи бўлди. Урчушларда иштирокчи бўлди. Урчушларда иштирокчи бўлди.

Шаҳардаги «Нур» ресторанида ташкил этилган «Ош» маданий тадбирларида 300 нафар кам таъминланган оилалар, оқсоқол ва фахрийлар иштирок этди.

Солиқ ва матбуот

Давлат солиқ қўмитасида солиқ тизими фаолиятининг оммавий аҳборот воситаларида ёритилиши масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтиди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентининг солиқчи оид Фармон ва қарорлари, ҳуқуқат қарорлари ижроси бўйича тизимда амалга оширилаётган ишлар, солиқ тўловчиларга яратилган имтиёз ва имкониятлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, қўмига

томонидан солиқ тўловчи юридик шахсларга ҳисоботларни электрон кўринишда топшириш ҳамда солиқ органилари фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш юзасидан 11 та янги дастур ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилаётгани ҳақида батафсил маълумот берилди.

Урганч шаҳрида тиббиёт ҳамширалари ўртасида «Ҳамшира — 2007» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.



Танлов иштирокчилари беморга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, замонавий тиббий ускуналарни ишлатиш, шунингдек, эркин мавзуларда беллашдилар. Танловда қизлар нафақат ҳамширлик ишида, балки қўшиқ аййтиш, рақсга тушиш, мазаали таомлар тайёрлаш бобинда ҳам моҳир экинликларини намойиш этдилар. Беллашувда Гурлан тумани марказий касалхонаси ҳамшираси Лайло Мадаминаева голий бўлди. У энди вилоятнинг энг яхши ҳамшираси сифатида танловнинг республика босқичида қатнашди.

«Халқ сўзи» ва ўЗА муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, яқинда мамлакатимизда бўлган Халқаро валюта жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним бошчилигидаги делегация Ўзбекистоннинг бу борда эришяётган ютуқларига юксак баҳо берди.

машув курсининг мақсадли коридор доирасида сақлаб турилиши, мутахассисларнинг таъкидлашича, истеъмол нархлари ошиб кетмаслигига кўшимча омиш бўлиб хизмат қилмоқда.

Сўй миллий инфохоримиз тимсолларидан бири, таъбир жоиз бўлса, «белмизининг кувати» ҳамдир. Эеро, белгидаги белбоғида қадри баланд пули бўлганининг шаҳди баланд, гаги дадил, кўси тоғдек юксак бўлади. Пулиннинг қадри баланд давлат сиёсатида ҳам, иқтисодда ҳам мустақил, бировларнинг курсатмаси, хоҳиш-иродаси билан эмас, ўз халқи мафсаалари билан келиб чиқиб иш қилади. Сумимиз бизга ана шундай имкониятни ҳада этди.

Миллий валютаимиз мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий кудратининг, балки халқимиз маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятининг янада юксалишига ҳам хизмат қилмоқда. Унда халқимизнинг бий тарихи, қадриятлари, буюк бунёдкорлик салоҳияти ўз аксини топган. Бугун турли кўпоярдаги ўзбек сумини қўлига олган киши уларда қадим Самарқанддаги Регистон майдони, Тиллақори, Шердор мадрасалари, Гўри Амир мақбараси, Бухородаги Чашма Айюб ансамбли каби тарихий обидалар, Темирийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Халқлар дўстлиги саройи, шунингдек, пойтахтимизда Сохибқирон Амиб Темурга ўрнатилган улғувор ҳайкал тасвирларига кўзи тушади.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари раҳнаомлигида халқимиз фаровонлигини, мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини янада юксалтириш борисидда изчиллик билан амалга ошириляётган ислохотлар бераётган самаралардандир.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

2007 йил 31 июль

ЭЪЛОН!

соат 10.00 да

Table with 4 columns: ID, Name, Address, and other details for various companies and services.

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.

Очиқ тендерда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобидан турвчи ва автомобиль транспортда шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган ҳўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тўзилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй. Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 2021000000745005012 махсус ҳ/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2007 йил 26 июлгача буюртма беришлари лозим.

Идоралараро комиссия тендер тақлифларини 2007 йил 30 июль куни соат 17.00 гача қабул қилади.



Тендер ўтказиш манзили: Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлис залли.

Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.

Advertisement for 'СОВПЛАСТИТАЛ' КК, featuring images of plastic products and text describing their quality and availability.

Advertisement for 'АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ', detailing a 2007-2008 scholarship program.

Advertisement for 'НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК — ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ', providing information about a 2007-2008 scholarship program.

Large advertisement for 'ҲАМ СЕРОБ, АРЗОН' (Cheap and Quality), featuring a large image and text.

Андижоннинг эски шаҳар қисмидаги «Марказий деҳқон бозори» акциядорлик жамияти ҳам «Кисловодск» модул асосида қайта тикланган, янги кўриниш касб этди. Сўтучи учун ҳам, харидор учун ҳам қўлай бўлган баланд кенг расталар вуқудга келди. Бозор ҳудудида пиведалар, транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланishi учун шароит яратилди.

«Совпластитал» КК ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб, қўшма корхона ташкил этилганлигининг 20 йиллиги арафасида ишлаб чиқараётган маҳсулотига тарихда мисли кўрилмаган даражада куйидаги чегирмаларни эълон қилади:

Бозор — одамларни бир-бирига яқинлаштирадиган, ҳоҳатини чиқарадиган, мушкулни осон қиладиган даргоҳ. Пештахталар эса — деҳқонлар, хўнардонлар, савдогарлар меҳнати ва салоҳиятини кўз-қўлайдиган кўзгу. Уша кўтулг даргоҳдан дилларнинг яйрагани, кўзгудан кўзлар қувонгани қандай яхши!

Advertisement for 'ЖАҲОН 24 соат ичида Терактнинг олди олинди', featuring an image of a car and text about a police operation.

Advertisement for 'Компьютер учун грант', mentioning a grant of 10 million yuan for computer equipment.

Advertisement for 'ОПЕК аъзолари сони кўпаяди...ми?', discussing the growth of OPEC members.

Advertisement for 'Президент лавозимидан бўшади', mentioning the resignation of a president.

Advertisement for 'НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК — ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ', providing details about a 2007-2008 scholarship program.

# Кўнгил жиёбони



Пахлавон Махмуд ҳазратларининг шундай бир рубойиси бор: **Бо ёди Жалол дар биёбон рафтем, / Аз олами тан ба олами жон рафтем. / Ҳафтоду ду сол фикр кардем шабу рӯз, / Сарғашта даромадему, ҳайрон рафтем.**

Яъни, «Жалол ёди билан биёбонга кетдик, тан оламиндан жон томон кетдик. Етмиш икки йил кеча кундуз фикр этдик, бошимиз айланиб, адашиб келдик, ҳайрон кетдик». Ушбу рубойида «Жалол» сўзи, албатта, Оллоҳи таоло мазмундадир. «Жалол» сўзи буюклик мазмунини билдиради ва бу сифат дастлаб, Оллоҳи таолога тааллуқлидир...

## Ҳиммат бор, / Миннат йўқ

Бироқ, Худо кечирсин, Пахлавон Пийримиз мана шу рубойисини ёзаётган пайтларида ул зотнинг кўзлари ўнгида навқирон умрини мўғулларга қарши жангу жаддаларда кечираётган Жалолддин Мангуберди гавдаланмадимикан, деган ўй келавари. Чунки, мумтоз адабиётимиз намоёндаларининг асарлари кўш тигли ханжарга монанд бўлиб, одатда, ҳам илоҳий, ҳам инсоний мазмунларни бирварақайига ифода этади.

«Жон оламига келдик...» Пахлавон Махмуд учун Ватан, чиндан ҳам, ЖОН эди, ЖОН ОЛАМИ эди. Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари Чингизхон вакилларининг уруш арафасида: «Хоразмдан хавфсиз жойларга чиқиб кетинг» деган илтифотини қабул қилмаганлар. «Каерга чиқиб кетаман, бу тупроқда меннинг яқинларим бор» деб эътироз билдирганлар Шайх ҳазратлари. Душман илтифоткорлари: «Яқинларингизни ҳам олиб чиқиб кетинг» дейишганида, ул Зоти Шариф кўнмаганлар. Жавоб шундай бўлган: «Менинг яқинларим — бутун Хоразми эли». «Шу тупроқда тугилибмиз, шу тупроқда ўлуримиз...» Этагига тош солиб, Урганч кўчаларида жангга чиққанлар. Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларининг душмандан кўркаманликларининг сабаби, ул зот Оллоҳдан кўрққанлар.

**Эзгулик** Ул кўнраги ўқ, қоши қамон - кўрқармен, / Бир чирқар асна мен томон - кўрқармен. / Эл кўрқад, одамда, ёмон кўздан. / Мен Ул кўзлари ххивдан ёмон кўрқармен. «Ул кўзлари яхши» Ҳақ субҳонаху ва таоло эди. Шунинг учун ҳам Шайх Нажмиддин Кубро «Ватанин семмак иймондан» деган кўрсатмага мардона амал қилди. Ватанин жонидан азиз билди. Шахид бўлди.

Бу вақтда эса «Биз дўст билан мумдан ҳам юшмоқ, душманга қарши темирдан ҳам қаттиқмиз», деб рубойилар битган Жалолддин Мангуберди Хоразми Чингиз лашкарлари учун дўзахга айланган, Пахлавон Махмуд ҳазратлари айтмоқчи, «биёбон»ларда Ватанин жон билиб, омонсиз жанглари олиб борар эди. Жалолддин Мангуберди учун Ватан ЖОН эди ва у Ватанин ЖОН деб билмаганларни душман билар, уларга омонлик бермасди. Шайх Нажмиддин Кубро учун ҳам, Жалолддин Мангуберди учун ҳам, Пахлавон Махмуд учун ҳам Ватан учун курашмоқ, Ватан учун жанг қилмоқ ибодат эди. Кўзлардан яширин, асл ибодат эди. Ботиний бир тоат эди.

Пахлавон Махмуд қаламига мансуб ушбу мисраларнинг бунёд бўлишига сабаб ҳам ана шу эди. **Қаҳлув гар чекса фитон дўст - чин дўст, / Қилувчи ибодатни нисон дўст - чин дўст. / Кўз-қўлама сен берану олаги ношиг, / Нон дўсти эмас, аслида, жон дўст - чин дўст.** Ҳазрати Одамдан бизларнинг яқин аждодларимизга, яқин аждодларимиздан бизларнинг замондош ҳамда ватандошларимизга мерос бўлиб келатган эзгулик фалсафаси шу. Жавонмақддийлик шу. Саховат шу. Жасорат шу.

Табиийки, ватанпарварликни тарғиб қилганда биз тарихдан, жангу жаддалардан, харбу зарблардан ваҳши қаминга ўшаб, мисоллар келтиришга одатланган қолганмиз. Албатта, бу яхши. Албатта, бу керак. Бироқ, мана шу биз ҳаётдан мисоллар келтирган одамлар ўз пайтларида ҳам замондошларга адули исноф, саховату мурувату борасида ўрнат қўрсатиб яшаганлар. Ҳарбий жа-

сoratлар уларнинг тинчлик, осойишталик даврида муттасил кўрсатиб келган мардликларининг узвий давомидир. «Мард» бу — эр, дегани. «Мард» бу эркак дегани. «Мард» бу — олижаноб дегани. Халқ мақолларидан бирида шундай хикमत айтылади: «От бошига иш тушса, сувлик емай сув ичар, эр бошига иш тушса, этик емай, сув кечар». Бироқ, шуниси ҳам борки, Ватаниннинг бошига иш фақатгина жангу жадал пайтларида тушиб қолмайди. Ватаниннинг бошига иш тинчлик-осудалик кунларида ҳам бартароф қилинади. Ҳаётда бизнинг қилган, қилаётган ва қиладиган барча турғи ишларимиз, аслида, чинкам ватанпарварликдир. Чинкам ибодатдир. «Ғайрат» билан «Шижоат» сўзлари бежиз ёнма-ён талаффуз этилмайди. Бизнинг кўрсатилган ғайратларимиз, аслида, шижоат ҳам бўлмоқи лозим. Ғайрату шижоатларимиз жангу жадаллар пайтида қарамонларимизнинг кўрсатилган жасоратларига монанд, чин юракдан, астойдил бўлса, асл ҳиммат ана шу...

...Мен бу гапларни жонқалиқ асл зарматша дўстимникидан келиб қозога туширмакданман. Дўстимнинг исми шарифлари Қадамбой Солаев. Кичик бир хусусий босмахонаси, беш-олти гектар майдонда жойлашган фермер хўжалиги мавжуд. Мана шундай имконият билан бир неча ўн оиланинг қозонини қайнатади омон эмас. Мана шундай имкониятлар билан пахтадан, боғдорчиликдан мўл ҳосил етиштириш, тадбиркорликни фермерликка, фермерликни тадбиркорликка хизмат қилдириб, буларнинг барчасини Ватан тараққиёти йўлига ишлатиш ундан ҳам қийин. Ватан манфаатини шахсий манфаат билан мувофиқлаштириб, муштарақ манфаатга айлантириш, бу — чинкам санъатдир. Бу фаолиятнинг ҳам ўз стратегияси, ўз тактикаси бор. Масалан, дейлик, шахсий манфаат йўлида матбаачи одамга турли бланкалар чиқариш анча фойдали, чунки ярим варақ қозғоқ сарфланган махсулот — фалон пул. Ана шундай шароитда ватанимнинг адабиёти ривожлансин, матбуоти тараққий топсин, деб газета, журнал, китоб чиқариш учун қандай жасоратли, қандай ғайрат-шижоатли ва қандай саховатли бўлиш кераклигини бу ишга, озми-кўпми, қўл уриб кўрган киши билди. Мен мана шундай инсонлар ватанимизда бир ё ўн, ё юз эмас, балки бир неча минглаб нафар эканлигиндан ва келажакда ҳар биримиз мана шундай инсонлар бўлиб қамол топишимиз имконияти мавжудлигидан, катта-кичик раҳбардан тортиб, оддий фуқарога — ҳамма-ҳаммамиз мана шундай эзгу ният билан яшаётганлигимиз ва меҳнат қилаётганлигимиз тўғрисида буюк келажакимиздан умидвор бир одамман...

Қадамбой Солаевникидан келиб, шундай инсонларнинг юрагидagi азим саховат дарахтининг илдизлари ҳақида ўйладим. Ва, табиийки, юқоридagi фикрлар ҳаёлимдан кечди. Қадамбой ўз фирмасининг номини «Этиқод» деб қўйди. Фирмасининг номини, дейлик, «кўш» деб қўйиб, халққа эгирчарлик нури раво кўрмаётган «тадбиркор»лар ҳам, афсуски, ураб туради. Бироқ, кўз тепмасди, «Этиқод» фирмаси ўз номини оқлаб, риязат чакятти. Тўғри, бу фирманинг сармоси, даромади ҳозирча жар солгудек даражада эмас. Бироқ, ният эзгу ҳамда фаолият шунга яраша бўлган жойда, иншоолуқ, муносиб натижа ҳам ўзини узок куттириб қўймайди...

Мен эса фикрларимнинг ибтидоида қайтаман ва эзгулик ҳақидаги аждодларимиз хикमतларига яна бир бор мурожаат қиламан: **Муруват борча бермак бор, емак йўқ, / Фитуват борча қилмак бор, демек йўқ,** — дейдилар ҳазрат Навоий. Бу мисралар ҳам эзгулик фалсафасидир.

Матназар АБДУЛҲАКИМ.

**Халол, меҳнаткаш бир киши кексайиб вафот этгач, унинг руҳи узок вақт жаннат эшиги олдида сарсон бўлиб ичкарига қиролмай қолибди. Ҳалиги чол ўзига ҳам жаннат эшиги очилишини узок вақт кутибди. Эшик ҳадеганда очилвермагач, чол «нима гуноҳлар қилдим экан?» деб ўйлабди-ю, ҳеч ўйининг тагига етолмабди.**

Шунча йил ер юзида яшаб, халол меҳнат қилди, ҳеч кимга ёмонлик раво кўрмади, одамларни алдамади. Учта ўғил ҳам меҳнатдан бўйин товламайдиган, одамлар қорига қайишадиган йигитлар бўлиб эди. Энди нахоти умр бўйи орау қилган, дуо қилиб, умидвор бўлган жаннати маъвонинг эшиги унга очилмас-я?

Худди шу пайт жаннат эшиги чиройли овоз бериб очилибди-да, эшик олдида бир фаришта пайдо бўлибди. — Сизнинг исмингиз жаннатлар орасида йўқ экан, дедим, Яратганин олдида нимадир иш қилган бўлсангиз керак, — деб хабар берибди ичкаридан чиққан фаришта. — Нима гуноҳ қилман? — ҳайрон бўлибди чол.

## «Шунча гуноҳ қилибманми?..»

Узингиз гуноҳкор бўлмасангиз, фарзандларингиз гуноҳкордир, балки уларга яхши тарбия беролмагандирсиз? Сиздан кейин улар сизнинг хотиранингни пок саклаб қилибманми?.. — тушунтира бермагандирлар?..

— Бунча бўлиши мумкин эмас, уларнинг ҳаммаси ўзимга ўшаган меҳнаткаш бўлса, қаттиси уйланган эди, кичикларини ҳам уйлантириб,

### Ривоят

уйли-жойли қилсан, деб васият айтганман... Хуллас, фаришта у деса, чол бу дебди, анча тортишибди, охири иккови заминга тушиб, чолнинг фарзандлари аҳолидан хабар олиш учун сафар қилибдилар. — Ана, хабар олинг-чи! — дебди фаришта. Чол қараса, фарзандлари йўқ, набиралари кўчада изиллаб, совуқда одамлар орасида тиланчилик қилиб юрганмиш. Келини кичкинтойларга емиш топиб келиш учун узок-узокларга кетиб қолган, туппа-тузук ишлаб турган те-

### Ривоят

бир хонадон ҳам бор эди. Унинг эгаси гарчи бирон ёрдам кўрсатмаган бўлса ҳам, маъракага келди. Кетар чоғида Ирискул акага қараб: — Энди бу ёнга эхтиёт бўлинг, ана бир фалокатни бошлаб юрманг-а, — деб совуқ гап қилди. Ирискул ака унинг кўнглини хира қилишни ўзига эп кўрмади. Фақат бир гапни қатъий қилиб айтди: — Элники ёнмайди!



рибсиз, уларни касб-хунарли одамлар қилибсиз, уларга ҳамма мол-давлатингизни қолдирибсиз-у, бироқ уларнинг кўнглига меҳр, қаноат, шафқат туйғуларини бағишлабмабсиз. Меҳр, шафқат, қаноат туйғулари — Яратганин наздида энг афзал эзгуликлардир. Кўнгли мана шу туйғулардан мосуво фарзандларингиз эса ўзаро адоватга берилиб кетиб, сизнинг хотиранингиз, руҳингиз олдида оғир гуноҳларга йўл қўйибдилар ва сизнинг жаннат борасидаги оруз-умидларингизни сароғаб айлантириб улғуртибдилар...

Шунданга чол аслида оғир айб қилганлигини англаб, бошини эгиб жим қолибди. **М. АҲМЕДОВ тайёрлади.**

### — Дадамга айтсаммикан ё оймга...

К. ФАХРУДДИНОВ сурат-лавҳаси.

### Элники ёнмайди

Фалокат оёқ остида дейдилар. Ирискул аканинг уйи ёниб кетди. Ҳамма нарса куйиб қул бўлди. Фақат жон омон қолди. Қорайиб кетган тўрт девор ичида куймаланиб юрган Ирискул аканинг боши қотди. Нима қилиш керак?

Биринчи бўлиб маҳалла оқсоқоли Абдурахим ака этиб келди. — Ташвиш қилманг, ука, эл омон бўлса, уй-жойингизни аввалгидай қилиб қўямиз, — деди у.

Ирискул ака бу гапни шунчаки таскиндек қабул қилди ва яна гапга ботди. Орадан икки кун ўтиб эса маҳалладошлардан бирови томорқасидаги теракни кесиб келди, кимдир сувоққа сомон, яна кимдир шифердан оғда берди. Хуллас, икки-уч ҳфта деганда маҳалла ахли бир бўлиб томни ёпишди. Яна бир хашар қилиб, уй сувоқдан чиқарибди. Аёллар падос,

### Бунини ҳаёт дейдилар

идиш-товоқ, кўрпа-ёстиқ олиб келишди, ҳаммаси янги. Ишбилармон йигитлар ун, картошка, пиёзни қоплаб олиб келишди. Ҳамма иш битгач, кичкина тўй қилиб, маҳалла ахли Ирискул аканинг оиласига тинчлик-омонлик тилашди. Дарвоқе, шу маҳаллада ўзига тўқ

ирибди, уларни касб-хунарли одамлар қилибсиз, уларга ҳамма мол-давлатингизни қолдирибсиз-у, бироқ уларнинг кўнглига меҳр, қаноат, шафқат туйғуларини бағишлабмабсиз. Меҳр, шафқат, қаноат туйғулари — Яратганин наздида энг афзал эзгуликлардир. Кўнгли мана шу туйғулардан мосуво фарзандларингиз эса ўзаро адоватга берилиб кетиб, сизнинг хотиранингиз, руҳингиз олдида оғир гуноҳларга йўл қўйибдилар ва сизнинг жаннат борасидаги оруз-умидларингизни сароғаб айлантириб улғуртибдилар...

Шунданга чол аслида оғир айб қилганлигини англаб, бошини эгиб жим қолибди.

М. АҲМЕДОВ тайёрлади.

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ва операторлар Жамшед Тоғасев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпонов. Навбатчи муҳаррир — М. Холматова. Навбатчи — А. Самадов. Мухасҳих — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.45 Тошпирилди — 02.30 1 2 3 4 5

### Самарқанд

Бу дунёда икки тождор қад: **Мағрибий Рим, Шарқий Самарқанд, Бани башар қалбига пайванд. Самарқандим, жоним Самарқанд!**

Дунё илми, ҳур тафаккури, **Оқсаройда жам офтоб нури, Санда кезар шох Темур руҳи, Самарқандим, жоним Самарқанд!**

Тўрт фасли макон қайда бор, **Туронзамин деган жойда бор, Ўзбекистон бағрида пойдор, Самарқандим, жоним Самарқанд!**

Мангуликдир ҳар лаҳза - бугун, **Бугундасан навқирон, дурсун, Истиқлолдан бахт-умрингиз гузгун! Самарқандим, жоним Самарқанд!**

Бу дунёда икки тождор қад: **Мағрибий Рим, Шарқий Самарқанд, Бани башар қалбига пайванд. Самарқандим, жоним Самарқанд!**

### Биздан эмас

Бу дунё молига жонин тиккан кас, **Ушнғ йўлларидо олғувчи нафас, Майлига, кимлардир қилса ҳам хавас, Сиз бизга дўст эмас, сиз биздан эмас.**

Имон тасбеҳларин юлиб сочғувчи, **Нафисга хоҳодек кунюқ очғувчи, Узни англаб, аммо ўздан қочғувчи, Сиз бизга дўст эмас, сиз биздан эмас.**

Мис балдоқни зар деб сочғувчи заргар, **Мисингиз чиққайдир бир кун муқаррар, Қўзар ёшларига бепарвосиз зар, Сиз бизга дўст эмас, сиз биздан эмас.**

Балки бир сарварсиз шонли-шавақтали, **Улмоннинг тўғони каби қудратли - Камбағал ҳаққига белли, давлатли, Сиз бизга дўст эмас, сиз биздан эмас.**

Азим Суюн айтар собит сўзини, **Дўстим дедон дўст ўйса дўст кўзини, Унутса Ватанин, халқин тузини, Сиз бизга дўст эмас, сиз биздан эмас.**

Азим СУЮН.

### Халқ сўзи

**Народное слово**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси